

ШХТ – ЭНГ ЁШ СИЁСИЙ ИНСТИТУТ

Кўп томонлама фаолиятга асосланган энг ёш институтлардан бири – **Шанхай ҳамкорлик ташкилоти** айнан мана шундай мақсад ва вазифаларни кўзлайди.

Тарихан қисқа даврда **ШХТ** катта йўлни босиб ўтиб, **глобал сиёсий** ва **иқтисодий тизимнинг ажралмас қисмига айланди**, деб қатъий ишонч билан айтиш мумкин.

ШХТ ФАОЛИЯТИ ТАМОЙИЛЛАРИ

ШХТнинг халқаро ташкилот сифатидаги жозибadorлиги унинг фаолияти асосини ташкил этадиган **қуйидаги тамойилларда** намоён бўлмоқда: **ШХТ**нинг турли блоклардан холи мақомга эга экани, очиқлик, учинчи мамлакатлар ёки халқаро ташкилотларга қарши қаратилмагани, барча иштирокчи томонларнинг **тенглиги** ва **суверенитетини хурмат қилиш**, ички ишларга **аралашмаслик**, сиёсий қарама-қаршилик ва **ихтилофли рақибликка йўл қўймаслик**.

ШХТ – ЖОЗИБАДОР МАКОН

ШХТ БУГУН

Бугунги кунга келиб **ШХТ** ҳамжамияти – **улкан географик маконни** қамраб олган ва сайёрамиз аҳолисининг қарийб ярмини бирлаштирган, **дунёдаги энг йирик минтақавий ташкилотдир**.

ШХТнинг муваффақият гарови – минтақавий хавфсизликни таъминлаш орқали **кўп томонли ҳамкорликни** илгари суришдадир.

ШХТ ўз моҳиятига кўра, **тинчлик, ҳамкорлик** ва **тараққиёт** йўлида бирлашишга, айирмачилик унсуридан холи бўлган **жозибador маконга** айланиши лозим.